

## Навоий шаҳрида янги йўналишсиз таксилар

2015—2016 йилларда Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида ташувчи корхоналарнинг автотранспорт паркини янгилаш чора-тадбирлари ҳам назарда тутилган бўлиб, вилоятда бу борада ишлар режали равишда амалга оширилмоқда.

Жумладан, «Karmana Avtoxizmat» МЧЖ «Турон» банкининг Навоий шаҳар филиалидан олинган кредит маблағларига Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 7 та Nexia ва шунча Lacetti автомашиналарини харид қилди. Янги автомобиллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарори талаблари асосида жиҳозланиб, йўналишсиз такси хизматида фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда «Кармана Автохизмат» МЧЖ шаҳарда ва шаҳар атрофида йўналишли таксиларда йўловчи ташиш фаолияти билан ҳам шуғулланиб келмоқда. Жамиятга янги автомобиллар келтирилиши муносабати билан Навоий шаҳри кўчалари кўркига кўрк қўшиш билан бир қаторда 10 та малакали ҳайдовчи иш билан таъминланди.

Маълумот учун, бугунги кунда вилоятда йўналишсиз такси хизмати кўрсатувчи 85 та корхона мавжуд бўлиб, лицензияланган йўналишли такси автомобиллар сони 2380 тани ташкил қилади.

Шу ўринда вилоятда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Кармана туманида жойлашган “Karmana Bek Trans” масъуляти чекланган жамият томонидан “Алоқабанк” АКнинг Навоий ҳудудий филиали кредитлари асосида босқичма-босқич тўловларни амалга ошириш ҳисобига 2 дона Нексия ва 2 дона Матиз русумли автомашиналар харид қилинди.

— Янги автомашиналар сотиб олиниши муносабати билан 4 та янги иш ўрни яратилди. Янги сотиб олинган автомашиналар “Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 139-сонли қарор талаблари асосида жиҳозланди. Бундан ташқари яна кредит тўловлари асосида 20 дона Нексия олиб келишни режалаштирганмиз, - дейди корхона раҳбари А.Тўхтаев.

Учқудук туманида фаолият олиб бораётган “Учқудук Қимиз” масъуляти чекланган жамият томонидан “Халқ” банкининг Навоий ҳудудий филиали кредити асосида босқичма-босқич тўловларни амалга ошириш ҳисобига 30 дона Нексия русумли автомашиналар харид қилинди. Янги автомобиллар сотиб олиниши натижасида 30 та янги иш ўринлари яратилди. Сотиб олинган автотранспортлар йўловчиларни шаҳарлараро ташиш йўналишларига жойлаштириш режалаштирилган.

Корхона раҳбари Т.Қўлдошевнинг айтишича кредит тўловлари асосида яна 10 дона Нексия ва 20 дона Лассети автомобилларини сотиб олиш режалаштирилган.